



Tadqiqot **uz**

**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**CONFERENCES.UZ**

**31 ЙУЛ  
№30**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 30-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
5-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
30-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-5**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
30-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-5**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

## "Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 30-күп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 15 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

### **3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

### **5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

### **7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибод Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ**

<b>1. Рахимов Дилмуроджон Гуломжон ўғли</b>	
ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА ОИД АЙРИМ КЛАССИК ЙЎНАЛИШЛАР ТАҲЛИЛИ.....	7
<b>2. Расулова Нодира Сардаровна</b>	
САЙЛОВОЛДИ ЖАРАЁНЛАРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	9
<b>3. Ҳамроев Анвар Абдурасулович</b>	
ИҚТИСОДИЙ СУД ПРОЦЕССИДА СУДЬЯ ВА ПРОЦЕССНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РАД ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ .....	11
<b>4. Azamat Fayzullayev</b>	
THE GOVERNMENT AND POLITICS OF THE UNITED ARAB EMIRATES .....	13



## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

### ДАВЛАТ ХИЗМАТИГА ОИД АЙРИМ КЛАССИК ЙЎНАЛИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Рахимов Дилмуроджон Ғуломжон ўғли  
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти  
+99890 161 95 99  
drakhimov95@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақола давлат хизматига оид классик фундаментал йўналишларни таҳлил қилишни мақсад қилган. Мақолада давлат хизматининг М. Вебер-В. Вильсон концепцияси, “империяча” (“осиёча”) ва “реалистик” моделларининг хусусиятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** давлат хизмати, давлат бошқаруви, классик йўналишлар, меритократия, М. Вебер-В. Вильсон концепцияси, “империяча” (“осиёча”) модел, “реалистик” модел.

Давлат хизмати тизимини таҳлил қилишнинг энг муҳим омилларидан бири унга оид назарияларни тадқиқ этиш ҳисобланади. Бу борада давлат хизматинг классик фундаментал йўналишлари алоҳида ўрин тутади. Боиси улар мамлакатлардаги давлат хизматининг турлича йўналишларидан келиб чиқкан ва ўз навбатида уларни ривожланишига туртки беради. Одатда олимлар давлат хизматини М. Вебер-В. Вильсон, “империяча” (“осиёча”) ва “реалистик” каби йўналишлар асосида ривожлангандигини таъкидлашади.

**М. Вебер-В. Вильсон концепцияси.** XX аср бошида буюк немис олими Макс Вебер **оқилона бюрократия** концепциясини ишлаб чиқди. Концепция патриархал ташкилот типи ўрнига келган замонавий ташкилот типининг негизи сифатида ишлаб чиқилиб, унга ишларнинг ваколатли ва холис ижрочилар томонидан қонунга ва белгиланган таомилларга тўла мувофиқ равишда олиб борилиши, иш юритувнинг батартиблиги, субъектив таъсиrlардан холилик хосдир. Бу таомилларнинг бажарилиши уларни ким ва кимга нисбатан бажариши билан белгиланмайди. Тартиб олдида ҳамма тенг ҳисобланади. Бир хиллаштириш муайян шахсларнинг камчиликлари ва мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш имкониятларига қарши кафолатга айланади. [1]

Америка давлат бошқаруви фанида мазкур ғоя XIX аср охирида АҚШнинг бўлажак президенти Вудро Вильсон томонидан илгари сурилган эди. Унинг 1887 йили нашр этилган “Маъмуриятни ўрганиш” (“Study of Administration”) асарида ҳар қандай бошқарув тизимида унинг самарадорлиги ва жавобгарлигининг зарур шарти сифатида ягона бошқарув марказининг мавжудлиги, барча ҳозирги хукуматларнинг тузилмавий жиҳатдан ўхшашлиги, бошқарувнинг сиёsatдан ҳоли қилиниши, хизматчиларнинг профессионализми, молиявий ва маъмурий самарадорликнинг шарти сифатидаги ташкилий иерархия, кишилик тараққиётини модернизация қилиш ва равнақ топишнинг зарур шарти сифатида яхши маъмуриятнинг мавжудлиги таъкидланган. [2]

**“Империяча” (“осиёча”) модель.** Бу модель яна “Шарқ модели” деб ҳам аталади. Давлат хизматида меритократик тамойилга асосланган жараёнларнинг бошланиши бир қанча тадқиқотчилар, жумладан, Энн Палудан[3] ва Дерк Боддэ[4] томонидан Қадимги Хитойга боғланади. Хитой империяси давлат хизматининг муҳим жиҳати энг яхши маъмурий амалдорларни танлаш учун ишлаб чиқилган имтиҳондан иборат эди. Ушбу тизим оиласи насл-насаби (ижтимоий келиб чиқиши)дан қатъи назар ҳар қандай хитойликнинг йирик давлат амалдорига айлана олишини назарда тутарди. [5] Мазкур тизим Хитойда Син (мил. авв. 246 – 206 йиллар), Хан (мил. авв. 206 – милодий 220 йиллар), Суй (589-618 йиллар) ва Тан (618-907 йиллар) сулолалари даврида амалда бўлган. [3]



Тадқиқотчилар Итжек Галнур ва Женнифер Осер давлат хизматининг бошланиши Қадимги Хитой билан биргаликда Мисрнинг Қадимги подшолик даврлари (мил.авв. 3 минглик йилларнинг иккинчи ярми)га бориб қадалишини таъкидлашган. Ўрта асрларда эса Византия, Эрон сосонийлари, Араб халифалигининг аббосийлар сулоласи ва Усмонли турклар империялари мамлакат бошқарувида меритократик тамойилга асосланган давлат хизмати тизимини йўлга кўйганлар. [6] “Империяча” моделнинг муҳим жиҳатларидан бири амалдорларинг ўзларини мустақил сиёсий куч сифатида ҳис этиш имкониятига эга эмаслигига бўлиб, у монарх ҳокимиятининг барқарорлигини таъминлаган.

**“Реалистик” ёндашув.** Бугунги кунда Фарб демократияси мамлакатларида айнан шу модель амал қиласди. Аслида бу ёндашув Вебер моделининг такомиллаштирилган кўриниши ҳисобланади. Вебер-Вильсон концепциясини такомиллаштириш зарурлиги Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда англаб етилди. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида эълон қилинган Г.Саймон, П.Балу, М.Крозье асарлари шу йўналишда илк муҳим қадамларни ташладилар.[7]

Ўтган асрнинг 70-йилларида эса А.Валдо ва В.Остром каби америкалик олимларнинг саъи-ҳаракатлари билан “реалистик” ёндашув фундаментал асослари шаклланди. Аммо Вебернинг эски концепцияларидан ҳам воз кечилмади. Умуман олганда, эски ва янги назарияларнинг муайян синтези амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур ёндашувнинг такомиллашуви ҳозиргача давом этмоқда.

Хулоса қилганда, бугунги кундаги давлат хизмати тизимлари бир қанча классик фундаментал назария, йўналиш ва моделлар асосида шаклланниб, ривожланган. Юқорида таҳлил қилинган давлат хизматига оид йўналишлар ижобий хусусиятлар билан бир қаторда салбий жиҳатларга эга бўлишига қарамай маълум маънода давлатларнинг ривожланиши учун сабаб бўлган. Масалан, “империяча” (“осиёча”) моделдаги амалдорларнинг қаттиқ назорат ушлаб турилиши, уларнинг ягона монархга сўссиз итоат қилиши салбий хусусият ҳисоблансада, давлат хизматчиларини имтиҳонлар орқали энг муносибларини танлаб олиш бугунги кун давлат хизматининг энг асосий принципига айланди. Фикримизча, бугунги кунда давлат хизматини фақатгина биргина йўналиш асосида олиб бораётган давлатни учратиш мушкул. Ҳар бир давлат хизмати юқорида кўриб чиқилган ҳар бир йўналишининг қайсиидир элементлари асосида шаклланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Weber M. Theory of Social and Economical Organization. – N.Y.: 1947. – P.46.
2. Ostrom V. The Intellectual Crisis in American Public Administration / Tuscaloosa, 1989. – P. 20-25.
3. Ann Paludan. Chronicle of the Chinese Emperors: The Reign-by-Reign Record of the Rulers of Imperial China. New York, New York: Thames and Hudson. (1998) // <https://thamesandhudsonusa.com/books/chronicle-of-the-chinese-emperors-the-reign-by-reign-record-of-the-rulers-of-imperial-china-softcover>
4. Derke Bodde. “China: A Teaching Workbook”. Columbia University. //<http://afe.easia.columbia.edu/songdynasty-module/index.html>
5. Civil Service Examinations. // <http://www.princeton.edu/~elman/documents/Civil%20Service%20Examinations.pdf>
6. Itzhak Galnoor, Jennifer Oser. Civil Service. // <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780080970868750033?via%3Dihub>
7. Simon H. Administrative Behavoir. – N.Y.: 1959; Blay P. Bureaucracy in modern Society. –N.Y.: 1959; Crozier M. The Bureaucratic Phenomenon. – Chicago: 1964.



## САЙЛОВОЛДИ ЖАРАЁНЛАРИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Расулова Нодира Сардаровна**

Жамоат хавфсизлиги университети доценти, т.ф.н.  
Тел.: + 998999387117, nodira.sardarovna@gmail.com

**Аннотация.** Мақолада сайловолди жараёнларида Ўзбекистон сиёсий партиялари фаоллигини ошириш усуслари, партияning электорати билан ишлаш борасидаги таклифлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** сайлов, сайловчилар, сиёсий партия, тарғибот, электорат, волонтёрлар, онлайн мурожаат.

Сиёсий партияларнинг сайловолди фаолиятида тарғибот-ташвиқот ишлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки тўғри ва самарали ташкил этилган тарғибот фаолияти партияning сиёсий курашдаги ғалабасини таъминлайди. Аҳолининг сиёсий партияларга ишончини ошириш ҳамда уларнинг ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида сиёсий партиялар қўйидагиларга эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир.

### 1. Фуқаролар билан бевосита алоқа ўрнатиш.

Ўзбекистон сиёсий партияларининг сайтларида ҳам фуқаролар билан бевосита алоқа ўрнатиш тизими яратилган, аммо бу тизим фаолиятини тубдан яхшилаш ва тақомиллаштириш зарур. Зеро, сиёсий партиялар фаолиятига ҳаққоний баҳони фақат ҳалқ беради.

**2. Партия фаолиятига волонтёрларни (қўнгиллиларни) фаол жалб қилиш.** Жаҳонда сиёсий партиялар қўнгиллилари сайлов кампанияларида доимо ҳаракатлантирувчи куч бўлиб келган. Бугун ривожланган давлатлар сиёсий партияларининг ташкилий фаолиятида волонтёрлар гурухлари ҳам юқори ўрин тутади. Сайловчилар билан уйма-уй ва телефон орқали сухбатлар, тарғибот ва ташвиқот материалларини тарқатиш, партия номзодлари учун қўллаб-қувватлаш тадбирлари ташкил қилиш — буларнинг бари сайловчилар овозларини тўплашнинг самарали механизмлари бўлиб, фаол ва сергайрат волонтёрлар иштирокини талаб қиласди [1].

**3. Сиёсий партияning мурожаати.** Сиёсий партия мурожаатидан кўзланган мақсад сайловчиларга жамиятдаги муаммолар юзасидан ўз қарашларини билдириш ва уларни ҳал қилиш учун партия амалга ошироқчи бўлган дастурни тақдим этишдан иборат. Бошқача айтганда, партия мурожаати — унинг сиёсий платформасида белгиланган асосий принциплар ва устувор йўналишларнинг қисқа ва равshan баёнидир. Партия мурожаати унинг ўз сиёсий платформасида белгиланган асосий принцип ва қоидаларнинг ихчам ва қулай тақдимотидир. Ушбу мурожаат ишонарли, қисқа ва лўнда, аниқ-равshan, ноёб (янгича) бўлиши, ижобий баёнотларни қамраб олиши керак. Сиёсий партия етакчилари ва фаоллари мурожаатда баён этилган фикр ва ғояларни тарқатиш ҳамда аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш йўлларини излаши зарур. Ва албатта, бундай мурожаатлар фақат сайловолди кампаниялари даврида эмас, балки бошқа пайтларда ҳам мунтазам амалга ошириб борилиши лозим [2].

**4. Партия веб-сайтларини тақомиллаштириш.** Сиёсий партияларнинг веб-сайтлари партиялар фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ишончли ва долзарб ахборот билан бойитилган сифатли веб-сайт нафақат сиёсий партия фаолиятининг самарадорлигини оширишга имкон беради, балки, ўз навбатида, ҳалқнинг сиёсий партияга бўлган ишончини мустаҳкамлашга, унинг ижтимоий базасини кенгайтиришга ҳамда фуқароларнинг партия ахборот ресурсларидан фойдаланиши муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради.

Ҳозирги дунёда Интернет алоқа воситаси сифатида мамлакат ижтимоий-иқтисодий жараёнларининг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Унинг жадал ривожланиши сиёсий жараёнларга ҳам таъсир этади. Интернет алоқаси сиёсий партиялар учун айниқса муҳимдир. Интернет муҳити ва унинг интерактив хизматлар тизимида акс этган ҳозирги замон технологиялари ва, энг аввало, ахборот технологияларининг имкониятлари орқали ўз имижини моҳирона шакллантириш ва тарғиб қилиш ҳозирги воқеликдаги рақобатбардошликтининг асосий жиҳатларидир. Сиёсий партиялар ўз сайтларида кўзи ожиз инсонларга ҳам партия фаолиятидан баҳобар бўлишлари учун шароит яратишлари керак.



Ахборот асрида замонавий технологиялар сиёсий партияларнинг тарғибот-ташвиқот фаолиятида энг асосий қуролга айланмоғи лозим. Чунки ҳозирги пайтда 34 миллионлик республикамиз аҳолисининг 22,6 миллионы интернетдан фойдаланади [3].

**5. Ижтимоий тармоқлар, электрон почталардан кенг фойдаланиш.** Жаҳоннинг кўплаб давлатлари интернетнинг энг афзал жиҳатларидан аллақачон унумли фойдалана бошлаганлар. Жумладан, электрон почта ва ижтимоий тармоқлар орқали мулоқот қилиш энг самарали усуслардан ҳисобланади. Ушбу усуслар партияларга амалга ошираётган ишлари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш, ўз сафига кўпроқ тарафдор ва аъзоларни жалб этиш, маълум бир масалалар юзасидан электоратининг фикр-мулоҳазаларини билиш имкониятини беради.

Шундай қилиб, бугунги тобора ахборотлашиб бораётган жамиятимизда сиёсий партиялар ижтимоий тармоқлар орқали ишлаш технологияларини доимо такомиллаштириб боришлари лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Асылов К.Ж. Политические партии современного Казахстана / Под общей редакцией З.К.Шаукеновой, А.С. Жолдыбалиной. – Астана: КИСИ при Президенте РК, 2018. – С. 54-56.
2. Политические партии и переход к демократии (Начальный курс демократического партийного строительства для лидеров, организаторов и активистов политических партий). – Вашингтон: Национальный демократический институт международных отношений, 1997. – С.18.
3. Общее количество интернет пользователей (млн). — URL: <https://mitc.uz/ru/stat/4>
4. Икки йилда Ўзбекистондаги мобиль алоқа абонентлари сони 5 млнга ошди. — URL: <http://mobinfo.uz/ikki-jilda-%d1%9ezbekistondagi-mobil-alo%d2%9ba-abonentlari-soni-5-mlnga-oshdi.html>



## ИҚТИСОДИЙ СУД ПРОЦЕССИДА СУДЬЯ ВА ПРОЦЕССНИНГ БОШҚА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ РАД ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ

**Хамроев Анвар Абдурасулович**

Ўзбекистон Республикаси

Судьялар олий кенгаши хузуридаги

Судьялар олий мактаби тингловчиси

Телефон:+998939601716

**Аннотация:** Суд жараёнида судьялар томонидан холислик ва бетарафлик тамойилларига риоя этилиши ишда иштирок этувчи шахсларнинг суд тизимиға бўлган ишончини сақлаб қолиш учун ўта муҳимдир. Суд процессида ушбу принципларга риоя қилишнинг жиҳатларидан бири иқтисодий суд процессида судьяларнинг рад қилиш институтини хуқуқий тартибга солишидир.

**Калит сўзлар:** рад қилиш, рад қилиш институти, рад қилиш асослари, қариндош, ариза, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, бевосита ва билвосита, холислик, ўзини ўзи рад қилиш.

Рад қилиш – жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва бошқа хуқуқ соҳаларида суд иш юритуви, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнларидағи холислик ва беғаразликни таъминлаш воситасидир.

“Рад қилиш институти - суд томонидан ишнинг тўғри, яъни объектив ва холис кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини ҳамда шу тариқа одил судловга эришиш йўлида бузилган ёки баҳсли субъектив хуқуқлар, эркинликлар ва қонун билан ҳимояланган манфаатларни таъминлашдир”.

Судья ишни холис кўриш мақсадида ўзининг касбий мажбуриятларини бажараётганда ҳар қандай афзалликлар, асоссиз ишонч ва тахминлардан ҳоли бўлиши, ўзининг холислигига ҳар қандай шубҳаларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим.

Бундан ташқари, судьяларнинг мустақиллиги тамойили ҳам суд ҳокимиятининг энг муҳим тамойилларидан бўлиб, бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасида “судьялар мустақиллар, улар факат қонунга бўйсинадилар” деган тушунча мавжуд.

Бу қоидалар иқтисодий судларга ҳам тегишли бўлиб, уларнинг вазифаси низолашилаётган ва бузилган хуқуқларни иқтисодий соҳада ҳимоя қилишдан иборатdir.

Судьяларни рад қилиш йўли билан иқтисодий процесс иштирокчиларининг, маълум бир низонинг ва шу билан бир қаторда давлатнинг манфаатлари ҳимоя қилинади. Бинобарин, судьяларни рад қилиш ҳам жамоат, ҳам шахсий манфаатлар учун амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, судьянинг ўзи учун холис бўла олмайдиган ишни кўриб чиқмаслик ўта муҳимдир.

Ҳозирги иқтисодий судларни ташкил этиш янги хуқуқ соҳасини шакллантиришни талаб қилди, шу сабабли иқтисодий процессуал хуқуқнинг субъекти сифатида сифат жиҳатидан бир хил ижтимоий муносабатлар гурухига эга бўлган “кўриб чиқилиш, даъволарни таъминлаш ва қарорни ижро этиш учун бошқа ишларга оид иқтисодий судларга бўйсунадиган иқтисодий низолар ҳал қилиниши ва қайта кўриб чиқилиши тартибини белгилайдиган соҳа пайдо бўлди”.

Иқтисодий процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ўтмиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши, мавжуд муаммоларни тўғри баҳолаши сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгарган шароитларига мослаштирилиши керак. Шуни таъкидлаш керакки, замонавий шароитларда иқтисодий процессуал қонунлар Европа ҳамжамиятида қабул қилинган стандартларга ҳам мос келиши керак.

Иқтисодий процессуал қонунчилиги процессуал хуқуқнинг ягона оиласига кириб (фуқаролик процессуал қонунчилик, жиноят процессуал қонунчилик билан бир қаторда), унинг тармоқлари одил судловни амалга оширишни тартибга солиши билан бирлаштирилган. Баъзи институтлар тармоқлараро ҳарактерга эга. Иқтисодий процессуал қонунчилиги ва фуқаролик ҳарактеридаги моддий хуқуқ соҳалари, хусусан, фуқаролик қонунчилиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу хуқуқ тармоқлари нормаларини янгилаш кўпинча иқтисодий



суд жараёнининг ўзгаришига олиб келади.

Хозирда иқтисодий низолар барча суд низолари умумий сонининг салмоқли қисмини ташкил этади. Суд процессида судья ва процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан иш юритишнинг барча тамойилларирига риоя этилиши суд тизимиға бўлган ишончини сақлаб қолиш учун жуда муҳимдир. Суд процессида ушбу тамойилларга риоя қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири рад қилиш институтини хукуқий тартибга солишdir.

Судьянинг қонунда назарда тутилган асосларда рад қилиниши (ўзини ўзи рад қилиш) унинг холислиги ва беғаразлигини таъминловчи муҳим омилдир. Бу тамойилга риоя қилиш адолат ва қонунийлик тамойили билан биргаликда судга мурожаат қилган шахсларга бузилган хукуқларнинг самарали тикланиши билан ҳисоблашишга имкон беради.

“Суд процессини амалга оширишнинг энг муҳим тамойиллари судьяларнинг холислиги ва беғаразлиги экан, биринчи инстанция судьяси ишларни ҳалқ маслаҳатчиларисиз якка тартибда кўриб чиққанида, холисликка ва беғаразликка эришиш мумкинми? Бундай вазиятда судьяларнинг рад қилиш институти адолатли суд қарорини таъминлашга хисса қўшиши лозим”.

Судьяларни рад қилиш институти тармоқмөқларапо ҳисобланиб, у Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодексларида ўз аксини топган.

Рад қилиш (ўзини ўзи рад қилиш) институти бир неча мезонларга кўра куйидаги турларга бўлинади:

а) рад қилишнинг шаклига кўра – рад қилиш ва ўзини ўзи рад қилиш;

б) ариза бериш вақтига кўра – ишни кўриб чиқиши бошланишидан олдин эълон қилинган рад қилиш (ўзини ўзи рад қилиш) ва ишни кўриб чиқиши пайтида эълон қилинган рад қилиш (ўзини ўзи рад қилиш);

в) рад қилиш тўғрисида ариза бериладиган процессуал хукуқ субъектларига кўра – судя, эксперт, мутахассис, прокурор, суд мажлиси котиби, таржимон;

г) рад қилиш тўғрисида шикоят бериш хукуқи бўлган субъектларга кўра – тарафлар, судя, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, таржимон, прокурор;

д) рад қилиш асосларига кўра

Рад қилиш (ўзини ўзи рад қилиш) институти томонидан тартибга солинадиган муносабат иштирокчиларининг хукуқий мақомини кўриб чиқишида рад қилиш (ўзини ўзи рад қилиш) билан боғлиқ муносабатларда иштирок этувчи субъектларни куйидаги тўрт гурӯхга бўлиш мумкин:

1) фақат эътиroz билдириш хукуқига эга бўлган иштирокчилар;

2) фақат ўзини ўзи рад қилиш мажбурияти юкланган иштирокчилар;

3) бир вақтнинг ўзида рад қилиш эълон қилиш хукуқига ва ўзини ўзи рад қилиш эълон қилиш мажбуриятига эга бўлган иштирокчилар;

4) рад қилиш қўзғатиш хукуқига эга бўлган ва ўзини ўзи рад қилишни эълон қилиш, рад қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши ва ҳал қилиш мажбуриятлари бўлган иштирокчилар.

Шундай қилиб, иқтисодий суд процессида суд ҳокимияти иккита асосий ҳаракатларда намоён бўлади: биринчидан, иқтисодий суд процессни назорат қиласи, одил судловни амалга ошириш жараёнини соддалаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларни амалга оширади; иккинчидан, иқтисодий суд моддий ва процессуал хукуқ нормаларини амалга оширган ҳолда хукуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6034-сонли фармони.

2. “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 13-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси.

4. Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси.



## THE GOVERNMENT AND POLITICS OF THE UNITED ARAB EMIRATES

Azamat Fayzullayev,  
Student of Tashkent State  
University of Oriental Studies

**Annotation:** This article provides information on public administration and domestic and foreign policy system of the United Arab Emirates. The article is based on reports from the American press and websites covering the UAE's administration.

**Keywords:** Abu-Dhabi, constitutional monarchy, emirate, sheikh, president, prime minister, Sheikh Zayed bin Sultan Al Nahyan.

**Main information about UAE.** The United Arab Emirates (Arabic: إمارات العربية المتحدة al-Imarat al-Arabiya al-Muttahida), sometimes simply called the Emirates, is a country in Western Asia located at the eastern end of the Arabian Peninsula. It borders Oman and Saudi Arabia, and has maritime borders in the Persian Gulf with Qatar and Iran.

**Government and politics.** The United Arab Emirates is a federal constitutional monarchy made up from a federation of seven hereditary tribal monarchy-styled political system called Sheikhdoms. It is governed by a Federal Supreme Council made up of the ruling Sheikhs of Abu Dhabi, Ajman, Fujairah, Sharjah, Dubai, Ras al-Khaimah and Umm al-Quwain. All responsibilities not granted to the national government are reserved to the individual emirate. A percentage of revenues from each emirate is allocated to the UAE's central budget. The United Arab Emirates uses the title Sheikh instead of Emir to refer to the rulers of individual emirates. The title is used due to the sheikhdom styled governing system in adherence to the culture of tribes of Arabia, where Sheikh means leader, elder, or the tribal chief of the clan who partakes in shared decision making with his followers.

The President and Prime Minister are elected by the Federal Supreme Council. Usually, a sheikh from Abu Dhabi holds the presidency and a sheikh from Dubai the prime minister-ship. All prime ministers but one have served concurrently as vice president. Sheikh Zayed bin Sultan Al Nahyan is the UAE founding father and widely accredited for unifying the seven emirates into one country. He was the UAE's first president from the nation's founding until his death on 2 November 2004. On the following day the Federal Supreme Council elected his son, Sheikh Khalifa bin Zayed Al Nahyan, to the post.

The federal government is composed of three branches:

**Legislative:** A unicameral Federal Supreme Council and the advisory Federal National Council (FNC).

**Executive:** The President, who is also commander-in-chief of the military, the Prime Minister and the Council of Ministers.

**Judicial:** The Supreme Court and lower federal courts.

The UAE e-Government is the extension of the UAE Federal Government in its electronic form. The UAE's Council of Ministers is the chief executive branch of the government presided over by the Prime Minister. The Prime Minister, who is appointed by the Federal Supreme Council, appoints the ministers. The Council of Ministers is made up of 22 members and manages all internal and foreign affairs of the federation under its constitutional and federal law. The UAE is the only country in the world that has a Ministry of Tolerance, a Ministry of Happiness, and a Ministry of Artificial Intelligence. The UAE also has a virtual ministry called the Ministry of Possibilities, designed to find solutions to challenges and improve quality of life. The UAE also has a National Youth Council, which is represented in the UAE cabinet by the Minister of Youth.

The UAE legislative is the Federal National Council which convenes nationwide elections every 4 years. The FNC consists of 40 members drawn from all the emirates. Each emirate is allocated specific seats to ensure full representation. Half are appointed by the rulers of the constituent emirates, and the other half are elected. By law, the council members have to be equally divided between males and females. The FNC is restricted to a largely consultative role.


The UAE is described by western observers as an "autocracy". According to The New York Times, the UAE is "an autocracy with the sheen of a progressive, modern state". The UAE ranks poorly in freedom indices measuring civil liberties and political rights. The UAE is annually



ranked as "Not Free" in Freedom House's annual Freedom in the World report, which measures civil liberties and political rights. The UAE also ranks poorly in the annual Reporters without Borders' Press Freedom Index.

Sheikh Zayed bin Sultan Al Nahyan was asked by The New York Times in April 1997 on why there is no elected democracy in the United Arab Emirates, in which he replied:

"Why should we abandon a system that satisfies our people, in order to introduce a system that seems to engender dissent and confrontation? Our system of government is based upon our religion and that is what our people want. Should they seek alternatives, we are ready to listen to them. We have always said that our people should voice their demands openly. We are all in the same boat, and they are both the captain and the crew. Our doors are open for any opinion to be expressed, and this is well known by all our citizens. It is our deep conviction that God has created people free, and has prescribed that each individual must enjoy freedom of choice. No one should act as if they own others".



**Administrative division of the UAE**

#### References:

1. UAE Government: Political system. UAEinteract. Archived from the original on 13 February 2016. Retrieved 12 February 2016.
2. UAE federal eGovernment. Service Channels – The UAE Government Official Portal. Retrieved 8 September 2014.
3. ام مجلس الوزراء دليل أعمال نظر (PDF). United Arab Emirates Cabinet. January 2010.
4. Alshanti, Saed (2008). Zayed as a Role Model of Leadership (PDF). Atlantic International
5. [www.wikipedia.org/wiki/United\\_Arab\\_Emirates](http://www.wikipedia.org/wiki/United_Arab_Emirates)

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЗО-КҮП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(5-қисм)**

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

**Эълон қилиш муддати: 31.07.2021**

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000